



## О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 - yil 13 - dekabr

183-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

**Пайариқ тумани “Хўжа Исмоил” маҳалласи ҳудудидан вилоят  
Ички ишлар бошқармаси Пайариқ туман ички ишлар бўлимига  
янги маъмурий бино қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6243-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 543-сонли қарори талабларига мувофиқ, Пайариқ тумани “Хўжа Исмоил” маҳалласи ҳудудидан Пайариқ туман ички ишлар бўлимига янги маъмурий бино қурилишини амалга ошириш мақсадида,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят Ички ишлар бошқармасига Пайариқ туман “Хўжа Исмоил” маҳалласи ҳудудидан Пайариқ туман ички ишлар бўлимига янги маъмурий бино қуриш мақсадида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,27 гектар ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратилсин.

2. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (Ш.Рахмонов) вилоят бошқарма

ва ташкилотлар билан биргаликда:

мазкур объектларнинг белгиланган тартибда лойиҳаолди шахарсозлик ҳужжатларини ўз муддатида ишлаб чиқиб тасдиқлаш;

экспертиза хулосаларини олиш ва тендер савдоларини ўтказиш чораларини кўрсин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов) вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), “ЎзГ АШКЛИТИ” ДУК Самарқанд филиали (Ғ.Бекбоев) билан биргаликда ажратилган ер майдонлари чегараларини жойида (натурада) белгиласин.

4. Пайариқ туман ҳокимлиги (З.Эргашев), тегишли лойиҳа ташкилоти (лойиҳа муаллифи), вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (Х.Жабборов):

мазкур объектнинг қурилиш-монтаж ишларида қурилиш сифати юзасидан техник, муаллифлик ва давлат назоратини қатъий олиб борилишини;

объектда белгиланган қурилиш-монтаж ишларини тасдиқланган режа-график асосида бажарилишини ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

5. Давлат кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Худойкулов), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов), Пайариқ туман ҳокимлиги (З.Эргашев) билан биргаликда мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда туман ер ҳисоботи (баланси)га тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.



Э.Турдимов